

ЎЗБЕК ТИЛИ

10 - класс

№1. Фонетикада нима ўрганилади?

- а) Қўшимчалар
в) Сўз маънолари
- б) Сўз бирикмалар
г) Нутқ товушлари

№2. Омоним сўзларга таъриф берилган қаторни топинг.

- а) Шакли ҳар хил, маъноси яқин сўзлар.
б) Кўчма маъноли сўзлар.
в) Шакли бир хил, маъноси ҳар хил сўзлар.
г) Ёзилиши ва айтилиши бир хил, маъноси ҳар хил сўзлар.

№3. Кўрсатиш олмошларига қандай қўшимчалар қўшилганда ўзакда товуш орттирилади?

- а) -ми, -чи, -а, -я
в) -га, -да, -дан, -дай
- б) -нинг, -ни, -ники
г) -та, -тача, -тадан

№4. Қайси қаторда ёрдамчи сўзлар берилган?

- а) Дадам, шуғулланади, буни
в) Ва, билан, шунчаки
- б) Буғдой, дехқон, экади
г) Ватан, саждагоҳ, биз

№5. Жарангли ундошлар қайсилар?

- а) у, а, о
б) б, з, г
в) т, к, п
г) ў, э, а

№6. Қайси жавобда синонимлар берилган?

- а) дўст, душман, қария
в) Сабр, тоқат, чидам
- б) қизил, сарик, кўк
г) Достон, ғазал, аския

№7. “Ковушини тўғрилаб қўймоқ” ибораси қандай маъно билдиради?

- а) “Кийинмоқ” маъносини
в) “Жўнамоқ” маъносини
- б) “Чақирмоқ” маъносини
г) “Хурмат” маъносини

№8. Қайси жавобда “Ўқитувчиларга” сўзининг ўзаги тўғри кўрсатилган?

- а) Ўқит
б) Ўқ
в) Ўқитув
г) Ўқи

№9. Кўчма маъноли сўзлар қаторини аниқланг.

- а) Тошбағир, пўлат ирода
в) Қизил кўйлак, оқ дафтар
- б) Олтин соат, кумуш тиш
г) Кумуш қошиқ, тош йўл

№10. “Кўнгли бўш” иборасининг маъноси қайси жавобда кўрсатилган?

- а) Топ-тоза
б) Раҳмдил
в) Осон
г) Озгин

№11. Тилнинг сўз бойлиги тил фанининг қайси бўлимида ўрганилади?

- а) Лексикология
б) Фразеология
в) Синтаксис
г) Фонетика

№12. Қуйида берилган қайси сўзлар тўғри ёзилган?

- а) Хайрихоҳ, тажжубланмоқ
в) Хайрихоҳ, таъжубланмоқ
- б) Ҳайрихоҳ, тажубланмоқ
г) Хайрихоҳ, таажжубланмоқ

№13. Антонимлар келтирилган қаторни топинг.

- а) Фил, туя
в) Чиройли, гўзал
- б) Келди, кетди
г) Борди, ўтирди.

№14. Синонимларга берилган таъриф қайси қатордалигини аниқланг.

- а) Қарама-қарши маънолисўзлар.
б) Шакли ҳар хил, маъноси яқин сўзлар.
в) Кўчма маъноли сўзлар.
г) Шакли бир хил, маъноси ҳар хил сўзлар.

№15. Қандай сўзлар ундалма ҳисобланади.

- а) Санаш оҳанги айтилган сўзлар
б) Сўзловчининг фикри қаратилган сўзлар
в) Саналаётган бўлақлар маъносини жамлаб ифодалаган сўзлар
г) Сўзловчининг фикрига маъно қўшадиган сўзлар

№16. Ишонч маъносини билдирган кириш сўзни аниқланг.

- а) Эҳтимол
б) Тўғри
в) Албатта
г) Демак

№17. “Жасур”, “Ботир” сўзлари маъносига кўра қандай сўзлар?

- а) Антонимлар
в) Омонимлар
- б) Синонимлар
г) Кўчма маъноли сўзлар

№18. Кўп маъноли сўзлар қаторини белгиланг.

- а) Бола, набира
в) Бош, кўз
- б) Китоб, дафтар
г) Цирк, концерт

№19. “Жуда шўх” бирикмасининг маъноси қайси қаторда берилган.?

- а) Тутган еридан кесади
в) Ерга урса кўкка сапчийди
- б) Қуруқ аравани олиб қочади
г) Қуруқ аравани опқочади.

№20. Жавобларнинг қайси бирида араб тилидан ўзлашган сўзлар мавжуд?

- а) Кўкат, уй, борди.
в) Ручка, дафтар, туз.
- б) Мактаб, китоб, қалам.
г) Кўнгил, урди, кўрди.

№21. Касб-ҳунарга оид сўзлар берилган қаторни аниқланг.

- а) Мома, така, дойи
в) Катта-кичик, аччиқ-ширин
- б) Глобус, экватор, кутб
г) Андаза, игна, ип.

№22. Қуйидаги сўзларнинг қайси бирига ҳарфини қўйиш мумкин?

- а) И...лос, и...тиро, и...чам, ..аёл, ...ўроз
- б) ...амма, ...аловат, ...осиятли, ту...ум, ...ат
- в) Шо..., фа...р, ...ажвия, та...т, ...осил
- г) Ла...за, ту...фа, та...лил, со...а, ла...та

№23. Нутқ аппаратида берилган таърифни белгиланг.

- а) Унли товушларни ҳосил қилувчи аъзолар.
- б) Ундош товушларни ҳосил қилувчи аъзолар.
- в) Оғиз бўшлиғидаги аъзолар.
- г) Нутқ органларининг жами.

№24. Метафора йўли билан маъноси кўчган гапни топинг.

- а) Нодир ўйланиб қулоғини қашлади.
- б) Совуқ сув тишни, томокни оғритади.
- в) Қозоннинг қулоғи тўртта.
- г) Навойни ўқидим.

№25. “Беш қўл баробар эмас” маъно кўчишнинг қайси бирига тўғри келади?

- а) Метонимия
- б) Метафора
- в) Синекдоха
- г) Функциядошлик.

№ 26. Қайси катордаги сўзлар ва кишилик олмош ўрнида қўлланилади?

- а) Ким? Нима?
- б) ҳеч қандай, ҳеч нима
- в) мен, сен
- г) у, улар

№ 27. Учун кўмакчиси қайси келишик ўрнида қўлланади?

- а) чиқиш келишиги
- б) қаратқич келишиги
- в) тушум келишиги
- г) жўналиш келишиги

№ 28. Ҳ товушини пайдо бўлиш ўрни кўрсатилган каторни аниқланг.

- а) тил олдида
- б) чуқур тил орқасида
- в) лабда
- г) бўғизда

2-бўлим

2-бўлимда 2 тест топшириғи бор

Бу бўлим **мос келтириш** вазифаларидан иборат. Чап тамонда берилган ҳар бир элементга ўнг томонда берилган элементларнинг ичидан мос келганини танланг . (б.а. мос келган икки элементни бирлаштиринг). Устундаги бўш жойларга мос келган рақамни ёзинг.

2.1. Қуйида келтирилган гапларни гап бўлақларига қараб мослаштиринг.

А) Ҳол	1) Рустам имтиҳонларга ўз вақтида тайёргарлик кўрди.
Б) Тўлдирувчи	2) Яхши қиз- ёқадаги қундуз, яхши ўғил- кўкдаги юлдуз.
В) Аниқловчи	3) Бўридан қўрққан ўрмонга кирмайди.
Г) Эга	4) Биз меҳнатни улуғлаймиз.
	5) Кўпчилик қаерда бўлса, тўқчилик шу ерда бўлади.

Жавоби:

А	
Б	
В	
Г	

2.2. Қуйидаги ибораларни маъносига қараб мослаштиринг.

А) Ораларидан қил ўтмайди;	1) Меҳрибон
Б) Боши кўкка етмоқ;	2) Асабий
В) Тепа сочи тикка бўлмоқ;	3) Хафа
Г) Қовоғидан қор ёғди;	4) Ҳурсанд
	5) Иноқ

Жавоби:

А	
Б	
В	
Г	

Баллни баҳога айлантириш шкаласи

1-бўлимдаги 28 тест топшириғ 1 балл билан баҳоланади.

2-бўлимдаги 2 тест топшириғ 3 балл билан баҳоланади.

Жами топширикларнинг миқдори – 30

баллари	баҳо
0-14	«2»
15-19	«3»
20-25	«4»
26-34	«5»